



Pragmalinguistics of communicative behavior, intercultural pragmatics

Sayora YOROVA¹

Samarkand State Medical University

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2023
Received in revised form
15 August 2023
Accepted 25 August 2023
Available online
15 September 2023

Keywords:

doctor,
patient,
medical speech,
competence,
imitation.

ABSTRACT

In this article, the main indicators of communicative culture among healthcare workers are examined. Specifically, the focus is on the emotional attitude toward the interlocutor and the situation of communication, the ability to express one's own feelings and understand those of the interlocutor, as well as careful observation of the interlocutor's reaction to the provided information. Various aspects of communicative interaction are described, including observation and demonstration of understanding the partner's feelings.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss7/S-pp276-282>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Коммуникатив хатти-ҳаракатлар прагмалингвистика, маданиятлараро прагматика

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

шифокор,
бемор,
тиббий нутқ,
компетентлик,
эмоция.

Ушбу мақолада ҳозирги кундаги соғлиқни сақлаш соҳасида ходимнинг коммуникатив маданиятининг асосий кўрсаткичлари қуйидагиларда ўз аксини топадиган, жумладан, эмотив жиҳатдан, суҳбатдошнинг мулоқотга муносабати ва мулоқот вазияти, мулоқотдошнинг ҳис-туйғуларини ифодалашда суҳбатдошга ёрдам бериш, ўз ҳис-туйғуларини билдириш, суҳбатдошнинг бирор маълумотга реакциясини диққат билан кузатиш, шерик ҳис-туйғуларини тушунишни намоиш этиш каби коммуникатив мулоқотлар ҳақида баён этилган.

¹ PhD, Head of Languages Department, Samarkand State Medical University.

Прагмалингвистика коммуникативного поведения, межкультурная прагматика

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

врач,
пациент,
медицинская речь,
компетентность,
подражание.

В данной статье рассматриваются основные показатели коммуникативной культуры работников в сфере здравоохранения. В частности, акцент делается на эмоциональном отношении к собеседнику и ситуации общения, способности выразить собственные и понять чувства собеседника, а также на внимательном наблюдении за реакцией собеседника на предоставленную информацию. Описываются различные аспекты коммуникативного взаимодействия, включая наблюдение и демонстрацию понимания чувств партнера.

Фикримизча, мулоқот вазияти, мулоқотдошларнинг миллий-маданий хусусиятлари ва мулоқотдошларнинг эмоционал-психологик ҳолатини алоҳида ўрганиш объекти сифатида ажратиш мумкин, чунки бу ҳар қандай коммуникатив маданиятда энг кенг тарқалган ҳолатлардан биридир. Мулоқотдошларнинг хулқ-атвори ва ҳолатини ўрганишнинг энг мақбул йўли “Дўконда” ёки “Шифокор ҳузурида” каби вазиятлар доирасида олиб борилиши муҳим ўрин тутиши мумкин.

Шунинг учун ҳам коммуникатив хатти-ҳаракатлар прагмалингвистика, маданиятлараро прагматика (G. Yule, 1996; 38), социология, психология, антропология каби лингвистик соҳаларнинг тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Бунда эътибор ижтимоий соҳадаги коммуникатив компетентлиликка асосий урғу берилади. Ижтимоий соҳадаги коммуникатив компетентлик қуйидагича ифодаланади: мулоқотда иштирок этиши тўғрисида хабардорлик (бошқаларга қанчалик таъсир қилади?); гуруҳлараро қарорларни қабул қилиш (индивидуал ва умумий эҳтиёжларни муҳокама қилиш, манфаатлар, маълум қоидаларнинг келишуви, келишув / тасдиқлаш ва низоларни ҳал этишга қодир ва тайёр бўлишни ривожлантириш), умумий натижалар тақдироти; коммуникация стратегияларига эга бўлиш.

Прагмалингвистик талқинда эса ҳурмат тамойили ижтимоий муносабат тамойилидир. Ҳамкор – суҳбатдош шахсига эътиром мазмунидаги ушбу тамойил лисоний ва нолисоний мулоқотнинг барча турларига хосдир. (Ш.С. Сафаров, 2008;143). Ҳурмат тамойилига амал қилган ҳолдагина ижтимоий муносабатлар самарадорлигига эришиш мумкин, чунки “ижтимоий мувозанат ва дўстона муносабатни сақлаш” (G. Leech 1983: 82) мулоқотда муваффақият омилидир.

Мулоқот вазияти эса бевосита маълум ижтимоий гуруҳ, маданият учун хос бўлган норма нуқтаи назаридан баҳоланади. *Норма* маълум социумда қабул қилинган ижтимоий хатти-ҳаракатлар намуналарини белгилаб беради, у умумий қабул қилинган қоидалар асосида лисоний воситалар танловини бошқаради. Норма ҳурмат тамойили амалиёти учун таянч нуқтадир ва коммуникатив мақсад ифодаси шаклини белгилаб беради (Ш.С. Сафаров, 2008; 150–151).

Лисоний шахс маълум бир ижтимоий-маданий маконда шаклланади. Шундай қилиб, нутқ таркибининг ички тузилиши, лисоний шахсни тарбияловчи омиллар, лисоний шахс томонидан қўлланиладиган нутқ таркибий қисмининг кўп қирралиги ва турли туманлиги, лисоний шахс томонидан нутқий фаолиятни ташкил этилиши,

нутқни режалаштириш, унинг ақлий функцияларидан фойдаланиш имкониятлари билан изоҳланади. Бу жараёнлар кундалик эҳтиёж, ҳис-туйғули муносабатлар, фикрлаш имкониятлари, хотирани шакллантирилганлиги, идрок этиш ва атроф-муҳитга эътибор беришда намоён бўлади.

Бирор кишининг нутқий хатти-ҳаракати инсон характериға хос бўлган, мунтазам, рационал тушунчаға мойил ва эмоционал ҳолатиға алоқадор ҳодиса саналади. Лисоний шахс тушунчаси эса кўп қиррали, кўп компонентли, тил имкониятларидан тизимли, тартибли фойдаланиш маҳорати, нутқий асарларни яратиш ва идрок этиш тайёрлиги тушунилади (Ю.Н. Караулов, 1987.)

Когнитив жиҳатдан мулоқотни акс эттирувчи воқеликка тингловчиларни тинглашға тайёргарлик ва тайёрлаш, эшитилганларнинг тўғри эканлигини текшириш, эшитилганларнинг оқилона таркибий қисмини аниқлаш, ўз-ўзини тузатиш, рағбатлантириш, ўзини баҳолаш ва бошқаларнинг баҳолаши кабиларни қамраб олса, когнитив ҳаракатларға соҳадаги мулоқотни режалаштириш, суҳбатда ташаббускорлик, умумий мулоқотни ташкил қилиш, ўзаро муносабатларни шахсийлаштириш, зиддиятларни ҳал қилиш, қўшма тадбирларни таклиф қилиш, муҳокама қилиш, келишиш, ахборотни аниқлаштириш ва тарқатиш, шахслараро муносабатларнинг ахлоқий меъёрларини ифодалаш кабиларда намоён бўлади. Тиббиёт ходимининг беморға таъсир ўтказиши когнитив ва коммуникатив мақсадни кўзда тутди. Бунинг асосида беморға кўрсатиладиган даволаш муолажаларнинг зарурлиги, беморнинг касалликка нисбатан қарашларини ўзгартириш, психологик ҳолатини яхшилаш назарда тутилади. Кўпгина ҳолларда эса, шифокор томонидан қўлланилган коммуникатив мақсад ўзининг профессионал даражасини реклама қилиш ва ўзига ишонтиришға қаратилади.

Юқорида қайд этилган кўрсаткичларнинг намоён бўлиш даражасиға қараб, тиббий соҳада фаолият юритувчиларнинг коммуникатив маданият даражалари – юқори, ўрта, паст ва паст кўрсаткичлар билан аниқланади. Мулоқот маданияти мезонларини шакллантиришнинг бундай тўрт даражали тизими ходимларнинг нутқ маданияти соҳасидаги аниқ ютуқларини тавсифлаш зарурати билан боғлиқ. Тиббиёт соҳасидаги юқори тоифа ходимлари амалий фаолияти билан бир қаторда назарий тадқиқотлар, гипотеза ва мулоҳазали вазиятлар мавжудлиги билан ҳам ажралиб туради. Фаолият давомида дуч келинадиган шу каби вазиятлар тиббий мутахассиснинг нафақат касбий профессионаллигини шакллантириш, балки коммуникатив маданиятини шакллантириш, коммуникатив маданиятининг бошланғич ҳолатини баҳолаш ва диагностика қилиш имкони ҳам пайдо бўлади. Тиббиёт соҳасидаги ходимнинг нутқ маданиятини баҳолаш биринчи навбатда беморлар, шунингдек оммавий ахборот тизими вакиллари томонидан амалға оширилади.

Лисон жамиятда мавжуд бўлади ва маълум ижтимоий муҳитда алоҳида шахслар ёки шахслар гуруҳи томонидан қўлланилади (Ш.С. Сафаров, 2008; 152). Мулоқотнинг шарт-шароити турлича бўлганлиги каби унда “сўзловчи ва тингловчининг идроки, мақсад, асос, алоқа воситалари, хулқ-атворнинг махсус белгиланган шакллари, ифода мавзуси, сўзлашувчиларнинг ўзаро муносабатларига хос хусусиятлар” (Ш.М. Искандарова, 1993: 9) бир хилда бўлмайди.

Ўз навбатида, коммуникатив йўналиш орқали биз шахснинг мулоқотға бўлган муносабатини белгиловчи интегратив сифатни назарда тутиш муҳим саналади. Интегратив сифат коммуникатив билимларни, қобилият ва кўникмаларни эгаллаш сифатиға таъсир қилади ва шахс қадриятиға,

манфаатларига, муносабатларига, мотивларига мос келади. Мулоқотга киришиш даражасининг қай тарзда кечиши ифода мазмуни таркибий қисмларининг жиддийлиги ва кучлилиги билан белгиланади. Шунингдек, мазкур жараён мулоқот маданияти билан боғлиқ ҳодиса саналади. Мулоқот маданиятининг мезони сифатида эса коммуникатив компетентлиги назарда тутилади. Мутахассиснинг коммуникатив компетентлиги уни ўраб турган мулоқот муҳитида шахсий ва профессионал тажрибасининг шаклланиши, мулоқотнинг маълум бир даражаси сифатида тавсифланиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида шахснинг профессионал муҳитда ва жамиятда ўз имкониятлари ва ижтимоий мавқеи даражасида муваффақиятли иш олиб бориши учун зарурдир. Шу сабаб махсус (амалиёт) соҳадаги коммуникацион компетентликни, шахсий соҳадаги коммуникатив билимларни ва ижтимоий соҳадаги коммуникатив билимларни фарқлаймиз. Коммуникатив компетентликнинг шахсий соҳаси қуйидагиларни назарда тутди: мулоқотга бўлган ўз муносабатини акс эттириш (эҳтиёж, кутиш, хавотирлик, баҳолаш) ва уларнинг кейинги ривожланиши; ўз манфаатларини бошқаларнинг манфаатлари билан мувофиқлаштириш; ўзини “коммуникатор” сифатида тушуниш; коммуникация жараёнида концептуал позицияни ва унинг асосларини ўрганиш; тил маданияти билан танишиш мақсадида нутқ маданиятидан фойдаланиш кабилар хосдир.

Нутқ фаолиятининг ижтимоий-маданий хусусиятини белгиловчи омилларга нутқ фаолиятининг асосий босқичини ташкил этувчи шахснинг коммуникатив-когнитив эҳтиёжи, унинг нутқ манбаи, мақсади, эҳтиёжи сифатида, “фаолиятнинг ички тузилишига тегишли бўлган, уни белгилайдиган ҳамда маълум мақсадга йўналтирадиган” дискурсни аниқлаш имконини беради (И.А. Зимная, 1985; 47).

Жамоатчиликка мурожаат қилиш ҳам маълум нутқий бирликларда ўз ифодасини топади. Мазкур ҳолда стереотип бирликлар инсонларнинг умумий асосда (биргаликда ишлаш, жамоавий билим олиш, биргаликда маълум хизматлардан фойдаланиш ва шу кабилар) гуруҳларга бўлинганга қараб қўлланилади: *Хурматли ҳамкасабалар! .. Азиз талабалар! ... Хурматли йўловчилар! Хурматли фахрийлар! ...* ва бошқалар. Кўриб турганингиздек, аксарият ҳолларда мулоқот “Хурматли” сўзи билан ишлатилади. Мазкур бирликнинг ишлатилиши адресантнинг мулоқот этикетларига риоя қилиш маданияти билан боғлиқ. Бу каби мурожаат, одатда, формал вазиятларда, йиғилишларда, бирор орган ходимлари ва оддий фуқаро мулоқотида кузатиш мумкин. Ижтимоий-сиёсий мулоқотда мурожаат учун танланадиган нутқий бирликнинг аҳамияти катта. Бу адресантнинг баъзи ҳолларда формал нутқий бирликдан четга чиққан ҳолда бошқа нутқий бирликни танлаши ҳам мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи президенти И.А. Каримов мурожаатларида “Азизларим” нутқий бирлигининг қўлланилганлигини гувоҳи бўлганмиз. Бу каби мурожаат коммуникатив стратегик аҳамиятга эга бўлиб, адресант ва адресатлар орасидаги ижтимоий, миллий-маданий яқинликни таъминлаш учун хизмат қилишга йўналтирилган. Шахслараро мулоқотда адресатга бўлган мурожаатда маълум стереотипик ижтимоий бирликларидан фойдаланиш жуда қулай, шу билан бирга кенг оммага бўлган ҳурмат этикетини намойиш қилиш стратегиясидан унумли фойдаланиш сифатида баҳолаш мумкин. Аммо, ҳар бир маданиятда мулоқот жараёнидаги мурожаат миллий-маданий характерга эга.

Жумладан, кўплаб маданиятларда яқин кишисига нисбатан исми ёки исмининг қисқартирилган шакли билан мурожаат қилинса-да, ҳар бир маданиятнинг ўзига хос миллий ифода усуллари ҳам мавжуд. Масалан, инглизларда *“old chap”, “old man”, “my friend”* ва ҳоказоларда ўз ифодасини топса, ўзбек маданиятига эса *“қадрдоним, дўстим”* кабилар хосдир. Н. Маҳмудов айна соҳанинг энг асосий тушунчаларидан бўлган тил ва маданият ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Тил ва маданият деганда, кўпинча, “нутқ маданияти” дейиладиган муаммо ассоциатив ҳолда эсга тушса-да, бу икки ўриндаги маданиятнинг айнанлигини асло кўрсатмайди. Тил ва маданият деганда, одатда, (тўғриси ҳам шу) тил орқали у ёки бу маданиятни ёки аксинча, маданиятни ўрганиш орқали у ёки бу тилни тушунтириш назарда тутилади, аниқроқ айтадиган бўлсак, лингвокультурологиядаги маданиятнинг маъноси “ақлий-маънавий ёки хўжалик фаолиятида эришилган даража, савия (*нутқ маданияти*)” эмас, балки “кишилиқ жамиятининг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи (*маданият тарихи, ўзбек маданияти*)” демакдир. Шундай бўлгач, нутқ маданиятининг ўрганиш муаммолари бошқа, лингвокультурологиянинг ўрганиш объекти тамоман бошқадир” (Н. Маҳмудов, 2012; 3-16). Одатда, индивидуал адресатга (маълум бир шахсга) мурожаат қилишда унинг фамилияси, исми ва отасининг исмини (*Хурматли Асрор Толибович*), унвони ёки лавозими (*Хурматли ректор, Ҳоким бобо*), мазкур жиҳатлар ўзбек миллий маданиятига хос хусусият саналади. Шу ўринда инглизларда қандай адресатга хос бўлган баъзи ижобий сифатларни қўллаш (*Олий ҳиммат инсон*) орқали амалга ошириш ҳам мумкин. Инглизларда, одатда *“sir”, “mister”,* аёлларга нисбатан *“miss”, “misses”* каби мурожаат усуллари кенг тарқалган. Таъкидлаш жоизки, адресатнинг исми ва шарифи билан мурожаат рус маданиятидан ўзлашган бўлиб, ўзбек нутқий мулоқот маданиятининг ажралмас бўлагига айланди. Бу ҳодиса давлат органлари, олий таълим, тиббиёт соҳаларида амалга ошириладиган нутқий актларда кўзга ташланади. Аммо, алоҳида соҳага тегишли бўлган мулоқот жараёни ва кечими ҳам маълум формал мурожаат ва мулоқот кечимини таъминлашга қаратилган нутқий бирликлардан ташкил топса-да, мазкур соҳа билан алоқадор бўлган шахслар ўртасидаги мулоқот жараёнида миллий-маданиятга хос бўлган хусусиятлар ўз сўзини айтади. Мисол учун, таълим соҳасида “муаллим”, “устоз”, “домла” бирликлари миллий маданий таркибга эга бўлса, тиббиёт соҳасида “духтир (доктор)” бирлиги кенг қўлланилади. Мазкур мурожаат турлари нутқий актлар доирасида стратегик аҳамиятга эга бўлиб, маълум маънода ҳурмат белгиси саналади. А.А. Леонтьев таъкидлашича, “ҳар қандай нутқий ҳаракат махсус оралиқ мақсадига эга бўлиб, мазкур фаолият акти маълум мақсадига йўналтирилган ва ушбу нутқий акт умумий мотивига асосланган бўлади” (А.А. Леонтьев, 1997; 63). Шунингдек, шахснинг коммуникатив хатти-ҳаракати лисоний шахснинг намоён бўлиш жиҳатларини очиб берувчи воситалар сирасига киради (И.А. Стернин, 1996; 97-112). Лисоний шахс тиббий дискурсда турли кўринишларда намоён бўлиши мумкин: лисоний шахс-шифокор, лисоний шахс-ҳамшира, лисоний шахс-бемор. Буларнинг барчаси тиббий дискурсда ижтимоий-лингвистик мақомга эга саналади.

Л.С. Бейлинсоннинг таъкидлашича, тиббий дискурснинг ижтимоий-лингвистик хусусиятларига қуйидагилар киради: 1) мақсад – беморга профессионал тиббий ёрдам кўрсатиш; 2) иштирокчилар – бемор, шифокор,

(беморнинг қариндошлари, шифокорнинг ҳамкасабалари, тиббий ҳамшира); 3) хронотоп – (тиббий кўрик, шифокорни уйга чақирув қилиш, стационар кўрик, ва шу кабилар); 4) қадриятлар – соғлиқ (соғлиқ билан боғлиқ антипод, касаллик даражаси), терапия; 5) дискурснинг стратегик турлари – диагностика, даволаш ва тиббий маслаҳат, шунингдек, касаллик даражасини баҳолаш, тавсиялар бериш, назорат қилиш, даволашни ташкиллаштириш; 6) жанрлар – бемор шикоят, амбулатор қабул, диагностик суҳбат, даволаш, маслаҳат ва тавсия, консалтинг кабилар, албатта таъкидланган ушбу дискурс масалаларининг лингвистик таҳлили асосий планга чиқади (Л.С. Бейлинсон, 2009; 25-31).

Бунда, тиббий мулоқот жараёни ҳам бошқа мулоқот турлари каби умуммаданий, вазиятга мослашиш, индивидуал нормаларга бўйсунди. Тиббий дискурсда умуммаданий нормага тиббий ходим этикети, маълум вазиятларда этикет нормаларини сақлаш, унга риоя қилиш назарда тутилса, вазиятга мослашиш нормаси мулоқот маълум стандартлар асосида қурилмаган ҳолларда, вазиятнинг мулоқотга таъсири сезилган ҳолларда намоён бўлади. Индивидуал норма тиббий ходимнинг шахсий этикет нормаларини умуммаданий нормаларга мослиги, ижобий хусусиятларини намоён қилиши, касбининг профессионал мутахассиси эканлигини кўрсатиш кабиларда ўз ифодасини топади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ҳ.Дадабов, Нутқ маданияти. Т., 2004. –Б. 6-11.
2. Жура В.В. Дискурсивная компетенция врача в устном медицинском общении: автореф. дис. ... д-ра филол. наук. Волгоград, 2008. –40 с.
3. Зимняя И.А. Психологические аспекты обучения говорению на иностранном языке. М, 1985. –С. 234.
4. Ибрагимова К.Г. Межъязыковые лакуны в юридическом дискурсе и лингвокультурные аспекты их элиминирования (на материале англо-русского перевода). АКД. Москва –2017
5. Иссерис О.С. Коммуникативные стратегии и тактики русской речи. –Омск: Омск Гос. Ун-т, 1999. -285 с.
6. М.Йўлдошев, Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент, 2008. – 159 б.
7. Караулов Ю.Н. Язык и личность. – М.: Наука, 1987. – 263 с.
8. Клод А. Человек говорящий: Вклад лингвистики в гуманитарные науки: Пер. с фр. М.: Едиториал УРСС, 2003. – 304 с.
9. Колесова, Н.Н. Проблема отбора жанров медицинского дискурса для обучения профессиональной речи иностранных студентов медицинского вуза // Вестник Костромского гос. у-та. – Серия: Педагогика. Психология. Социокинетика. – № 2. – 2016.– С. 184-186.
10. Лакофф Д., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем // Теория метафоры. – М.: Издательство ЛКИ, 2008. – 256 с.
11. Лурия А. Р. Язык и сознание. / Под редакцией Е. Д. Хомской. – М: Изд-во МГУ, 1979. – 320 с.
12. Максименко О.И., Шурипа С.В. Структурно-семантические особенности формирования (на примере медицинской терминологии в корейском языке). Вестник РУДН, серия Теория языка. Семиотика. Семантика, 2015, № 3. –С 112-118.

13. Н.Маҳмудов, Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, – № 5. 2012.– Б. 3-16.
14. Н.Маҳмудов Фан тили ва тил фани // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, – № 5. 2013.– Б. 3-10.
15. Н.Маҳмудов, “Ўқитувчи нутқ маданияти” Т.: 2005.
16. Михалёва О.Л. Политический дискурс как сфера реализации манипулятивного воздействия. АКД. Кемерово, 2004.
17. С.М.Мўминов, Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. д-ри... дис. автореф. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2000. – 47 б.
18. Нурмонов А. Лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизм назариялари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, – № 5. 2013.– Б. 10-19.
19. Пивоварчик А. Сетевой медицинский дискурс: Коммуникативные практики тематических интернет сообществ. Вестник ВГУ. Серия. Филология / Журналистика. No 4. 2018. – С 147-156.
20. А.Раҳимов, Тилни парадигмалар асосида ўрганиш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 2. – Б. 20-25.
21. Ш.Сафаров, Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. – 285 б.
22. Sayora Karimovna Yorova Vazira Jamshed kizi Khakberdiyeva Scientific progress volume 2 | ISSUE 1 | 2021 ISSN: 2181-1601 Uzbekistan www.scientificprogress.uz Page 1478 doctor and patient Samarkand State Medical Institute
23. Sayora Yorova, Sohiba Nasimova, Electronic collected materials of xi junior
24. Researchers' conference 2019 Linguistics, literature, philology 7 UDC 372.881 The ways of teaching languages at medical institutions Samarkand State Medical Institute, Uzbekistan
25. Social-cultural characteristics of Uzbek and English medical speech
26. Yorova Sayora Karimovna, An English Teacher of the Department Languages, Samarkand State Medical Institute, E-mail: sayora.yorova79@mail.ru International Journal on Integrated Education, e-ISSN : 26203502 p-ISSN : 26153785
27. Annals of R.S.C.B., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 3, 2021, Pages.
28. 7001-7010Received 16 February 2021; Accepted 08 March
29. 2021.http://annalsofrscb.ro7001foreign Language Teachers in the system of public education. Shakhnoza Abduvasievna, Babaeva Dilbar Habibdjanovna, Yorova Sayora Karimovna, Khayrullaev Yusuf Sobir ugli, Bozorov Shokhruz Askarjon ugli, Nasreddinova Farzona Shukhratovna
30. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 4, 2020 ISSN 2056-5852 Progressive Academic Publishing, UK Page 18 www.idpublications.org communicative competence of a specialist Yorova Sayora Karimovna – Assistant of the Chair Samarkand State Medical Institute
31. Karimovna, Y. S. (2022). The linguistic environment in the field of medical
32. communications. Eurasian Journal of Academic Research, 2(2), 143–147. Извлечено от <https://www.in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/692>
33. Askarovich B. S. Et al. Teaching math in English to universities and
34. institutions' students for taking GMAT certificate //Journal of Positive School Psychology. – 2022. – С. 1600–1604-1600–1604.